

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НАДЖИЕВ ЖУРАХОН НАРСАЙДОВИЧ

**ПОМИДОР ВА БАҚЛАЖОННИНГ ТРАНСПОРТБОП, БЎРТМА
НЕМАТОДАЛАРИГА ЧИДАМЛИ НАВ ВА F₁ ДУРАГАЙЛАР
СЕЛЕКЦИЯСИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on
agricultural sciences**

Наджиев Журахон Нарсайдович

Помидор ва бақлажоннинг транспортбоп, бўртма нематодаларига
чидамли нав ва F₁ дурагайлар селекцияси..... 5

Наджиев Журахон Нарсайдович

Селекция транспортабельных, устойчивых к галловым нематодам сортов
и гибридов F₁ томата и баклажана 27

Nadjiev Juraxon Narsaydovich

Breeding transportable and resistant to the root knot nematodes to
varieties and F₁ hybrids of tomato and eggplant 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НАДЖИЕВ ЖУРАХОН НАРСАЙДОВИЧ

**ПОМИДОР ВА БАҚЛАЖОННИНГ ТРАНСПОРТБОП, БЎРТМА
НЕМАТОДАЛАРИГА ЧИДАМЛИ НАВ ВА F₁ ДУРАГАЙЛАР
СЕЛЕКЦИЯСИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Qx17 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Сабзавот полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Арамов Музаффар Хошимович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Паридун Шукурович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Эргашев Ибрагим Ташкентович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ризаева Сафия Мамедовна
биология фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот: **Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти.**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Қх.13.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил « 20 »декабр соат «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: 260-38-60, e-mail: tgau-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535947-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «07 » декабр куни тарқатилди.
(2018 йил «03»декабрдаги 35/2 рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда помидор дунё миқёсида энг кўп истеъмол қилинадиган ва энг кўп етиштириладиган сабзавот экини ҳисобланади. 2016 йилда дунё бўйича 5,0 млн. га майдонда помидор етиштирилган ва ундан олинган ялпи ҳосил 177,2 млн. тоннани ташкил этган. Энг кўп помидор етиштирувчи мамлакатлар Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Туркия ҳисобланади¹. Ўзбекистонда ҳам помидор асосий сабзавот экинидир. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг берган маълумотларига кўра 2017 йилда республикада 128,3 минг гектар майдонда помидор етиштирилган ва ялпи ҳосил 2,9 млн. тоннани ташкил этган. Яна бир қимматли сабзавот экини бақлажон ҳам кейинги йилларда иссиқхоналарда, плёнкали қопламалар остида, ғалладан кейин такрорий экин сифатида жуда кўплаб етиштирилмоқда. Ўрта Осиё давлатларида, хусусан республикада кенг тарқалган касаллик ва зараркунандалар помидор ва бақлажон ҳосилдорлигини ва ҳосил сифатини пасайтирувчи асосий омиллардан бўлиб келмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида очик далаларда етиштиришга мўлжалланган помидор ва бақлажоннинг бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайларини яратиш бўйича тадқиқот ишлари кенг йўлга қўйилган. Жумладан, АҚШ, Франция, Италия, Голландия, Болгария, Туркия ва Россия каби давлатларнинг нуфузли илмий тадқиқот муассасаларида турлараро чатиштириш йўли билан бўртма нематодасига чидамли помидор тизмаларини олишга эришганлар, унга юқори чидамлиликка эга бўлган селекцион тизмалари ажратиб олинган, помидор навларини яратишда Анаху навидан бўртма нематодасига чидамлилик манба сифатида фойдаланишган, бу зараркунандага комплекс чидамли линиялар, нав ва дурагайлар яратилган. Булар шу зараркунандага чидамли навлар селекциясини олиб боришда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Республикада сабзавотчиликда етакчи ўринни эгаллаган помидор экиннинг регионимиз шароитига мос ҳар хил йўналишда фойдаланиш учун яроқли навларини яратишга эришилган. Бироқ, минтақамизда сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва унинг сифатини пасайишига сабаб бўлаётган касаллик ва зараркунандалар шу патогенларга чидамли помидор ва бақлажон нав ва дурагайларини яратишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Шу асосида ялпи маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш бўйича сўнгги йилларда мамлакатимизда қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-бандида касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш алоҳида белгилаб берилган. Шу боис, помидор ва бақлажоннинг бўртма нематодаси ва кладоспориоз каби энг хавфли

¹ <http://statinformation.ru/sel/tomat.html>;

патогенларга чидамли навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш бўйича селекция ишларини кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги «2016–2020 йилларда хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2505-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонининг 3.3. ”Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”² банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Помидорнинг транспортбоп ва бақлажоннинг эртапишар бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлари селекцияси бўйича изланишлар дунёнинг етакчи нуфузли илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of North Carolina at Chapel Hill, Genetic Improvement of Fruits and Vegetables Laboratory, Plant Sciences Institute, Beltsville (АҚШ), Institute of Genetics- Prof. D. Kostoff. BAS (София), University of the Punjab (Ҳиндистон), MKU, Department of Plant Protection, Faculty of Agriculture ва Çukurova University, Department of Horticulture (Туркия), Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР), Бутунроссия сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти (ВНИИО), К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси (МСХА), Молдова сабзавотчилик селекцион-технология илмий-тадқиқот институти (МНИСТИО), Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий - тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Очиқ далаларда етиштиришга мўлжалланган помидор ва бақлажоннинг бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлари яратиш бўйича қатор илмий ва амалий натижалар олинган: жумладан, помидор бўртма нематодасининг ҳар хил тур ва расаларига чидамли Anahu, VFN-8, Rossol, Nemared каби намуналар ажратиб олинган ва помидорнинг ёввойи *L. peruvianum*, *L. glandulosum* турларидан бўртма нематодасига чидамли янги манбалар аниқланган (University of North Carolina at Chapel Hill); помидорнинг очиқ майдонлар учун бўртма нематодасига чидамли Кристи TmCFN,

² <https://nrm.uz/>

Стандарт 69 навлари яратилган (Institute of Genetics- Prof. D. Kostoff. BAS); жануб ва яван бўртма нематодаларига чидамлилиги юқори Helani, Kalohi, Nemateх ва улар иштирокида Bonus, Piernita, Motabo, Hessoline, VFN-360 дурагайлари яратилган (University of the Punjab); бўртма нематодаси билан зарарланган тупроқларда бақлажон етиштиришда унинг ёввойи (*S. torvum*) туридан пайвандтаг сифатида фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган (Department of Plant Protection, Faculty of Agriculture ва Çukurova University, Department of Horticulture); помидорнинг бўртма нематодаси ва кладоспориозга комплекс чидамли F₁ Сольвейг, Шаганэ, Верлиока, Чёрный айсберг гетерозис дурагайлари яратилган (К.А.Тимирязев номидаги Москва кишлок хўжалиги академияси).

Бугунги кунда дунёда помидор ва бақлажон селекцияси бўйича кўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: помидорнинг ҳосилдорлиги ва мева сифати юқори, ташқи муҳит шароитларига мослашувчан, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, транспортбоп нав ва дурагайлари яратиш; бақлажоннинг эртапишар, мева таркибида аччиклик таъми бўлмаган (соланин моддасининг кам бўлиши), бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлар селекцияси.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Помидор ва бақлажоннинг бўртма нематодасига чидамли нав, линия ва дурагайлари селекцияси, уларнинг элита уруғчилигини ишлаб чиқиш бўйича АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Болгария, Россия, Молдова ва бошқа мамлакатларда A.L.Harrison, G. Fassuliotis, P.D. Dukes, Chai Min, Yu Shuan-cang, Ding Yun-hua, Jiang Li-gang, T.K. Behera, C.N. Sambandam, Б.Чолева, А.В. Алпатьев, С.Ф. Гавриш, Е.И.Кондакова, Б.В. Квасников, С.И. Игнатова, Н.Н. Загинайло, А.В. Садыкин каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунинг натижасида помидор ва бақлажоннинг энг хавфли зараркунанда – бўртма нематодасига чидамли нав, линия ва дурагайлари, ушбу сабзаотларнинг чидамлилигини оширишнинг самарали усуллари, чидамлилик селекцияси учун дастлабки манбалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда чидамлилик селекцияси учун дастлабки манбалар танлаш, эртапишар, муҳит шароитларига яхши мослашувчан ҳамда биотик омилларга чидамли нав ва дурагайлар яратиш, уларнинг элита уруғчилигини ташкил қилишга оид илмий тадқиқотлар М.Х.Арамов, Е.В.Ермолова, С.И.Дусмуратова каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, республикада бўртма нематодасига чидамли, транспортбоп помидор ва бақлажон селекцияси учун дастлабки манбалар ажратиш, чидамли навлар яратиш бўйича олиб борилган илмий изланишларнинг ҳажми жуда кичик бўлиб, бу йўналишда чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сабзаот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станциясининг илмий-

тадқиқот ишлари режасининг ГНТП-17 «Сабзавот, полиз экинларини юқори самарадор, товар, истеъмол ва технологик сифатлари яхши, ноқулай экологик шароитга, касалликларга чидамли нав ва F₁ дурагайларини яратиш, сифатли уруғ етиштириш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда бирламчи уруғчилик» (2003–2005 йй.); А-11-077 «Сабзавот, полиз экинларини юқори маҳсулдор, истеъмол ва товар сифати яхши, касалликларга чидамли нав ҳамда F₁ гетерозис дурагайлари селекцияси ва уларнинг уруғчилиги» (2006–2008 йй.); КХА-10-039 «Ўзбекистон жанубида сабзавот экинларининг (ширин қалампир, бақлажон, сабзи, ош лавлаги, гулкарам, саримсоқ) юқори ҳосилли нав ва биринчи авлод дурагайларини яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш» (2009–2011 йй.); КХА-8-035 «Ўзбекистон жанубида сабзавот экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли юқори ҳосилли нав ва биринчи авлод дурагайларини яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш» (2012–2014 йй.); КХА-8-029-2015 «Сабзавот экинларининг касаллик, зараркунандаларга, иссиққа чидамли, юқори ҳосилли янги нав ва дурагайларини яратиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш» (2015–2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади помидор ва бақлажоннинг серҳосил, эртапишар, транспортбоп, бўртма нематодаси ҳамда бўртма нематодаси ва кладоспориозга гуруҳли чидамли нав ва F₁ дурагайларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг қуруқ субтропик иқлими шароитида помидор нав намуналарини транспортбоплиги, бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамлилигини ўрганиш ва селекция учун бошланғич манба ажратиш;

бақлажон нав намуналарини эртапишарлик ва бўртма нематодасига чидамлилигини ўрганиш ва селекция учун бошланғич манба ажратиш;

помидор ва бақлажонни дурагайлаш боғчасини ташкил этиш ва F₁ дурагайлар олиш, уларни комплекс ўрганиш ва истиқболлиларини ажратиш;

яратилган помидор нав ва линияларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича комбинацион ва адаптив қобилятини баҳолаш;

помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга, бақлажоннинг эртапишар ва бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайларини яратиш;

истиқболли помидор ва бақлажон нав, дурагай ва линияларининг танлов синовини ўтказиш ва истиқболлиларини Давлат нав синаш комиссиясига топшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли мамлакатлардан келтирилган помидорнинг 163 та, бақлажоннинг 53 та нав намуналари ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (СПЭ ва КИТИ) Сурхондарё илмий -тажриба станцияси селекциясига мансуб помидорнинг 60 та, бақлажоннинг 38 та биринчи авлод (F₁) дурагайлари ҳамда помидорнинг 1106 та, бақлажоннинг 200 та линиялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети помидор ва бақлажон нав намуналари тўпламини бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамлилигини баҳолаш ва

бошланғич манба ажратиш, генетик манбалар яратиш, уларни адаптив ва комбинацион қобилияти бўйича баҳолаш ва патогенларга чидамли нав ва дурагайлар яратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар сабзаёт экинлари селекцияси, уруғчилигида қабул қилинган услублар, услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди. Помидор ва бақлажон нав намуналарини ўрганиш «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томат, перец, баклажан)», генотипларнинг умумий (ОКС) ва ўзига хос комбинацион қобилияти (СКС) параметрларини аниқлаш В.К.Савченко услуги бўйича, ўсимликларнинг бўртма нематодасига чидамлилигини баҳолаш Е.И.Кондакова, Б.В. Квасников, С.И. Игнатоваларнинг «Методика оценки томатов на устойчивость к южной галловой нематоды *Meloidogyne incognita*», танлов синови «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», ўсимликларнинг кладоспориоз касаллигига чидамлилигини баҳолаш «Методические указания по селекции сортов и гибридов томата для открытого и защищенного грунта» услубида, дурагайларнинг гетерозис самарадорлиги А.В. Алпатьев, дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуги бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги:

илк бор помидор ва бақлажоннинг патогенларга чидамли юқори ва барқарор ҳосил берадиган нав ва F_1 дурагайлари селекциясининг услублари ишлаб чиқилган ва илмий асосланган;

Ўзбекистоннинг қуруқ субтропик иқлими шароитида помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга комплекс чидамли, бақлажоннинг эртапишар ва бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлар селекцияси учун бошланғич манба яратилган;

помидор ва бақлажоннинг F_1 дурагайлари яратилган ва истиқболлилари белгиланган;

Ўзбекистон жануби шароити помидор ва бақлажон генотипларининг патогенларга чидамлилигини, адаптив ва комбинацион қобилиятини аниқлашда фон сифатида баҳоланган ва шу асосда янги генетик манбалар ажратилган ва яратилган;

помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга, бақлажоннинг эртапишар ва бўртма нематодасига чидамли янги нав ва дурагайлари яратилган;

бақлажон биринчи авлод дурагайларида бўртма нематодасига чидамлилигининг наслдан-наслга тўлиқ доминант белги сифатида ўтиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: помидорнинг келиб чиқиши турлича бўлган нав намуналари коллекцияси баҳоланган ва бўртма нематодаси, кладоспориозга чидамли нав ва F_1

дурагайлар селекцияси учун қимматли бошланғич манба ажратилган ва шу асосда ушбу патогенларга чидамли нав, дурагай, линиялар яратилган;

юқори адаптив ва комбинацион қобилиятга эга бўртма нематодасига ва кладоспориозга чидамли помидор нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба ажратиб олинган;

бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлари яратиш учун бошланғич манба ажратиб олинган ва улар селекция ишига жалб этилиб, истиқболли нав ва F_1 дурагайлари яратилган;

тадқиқотлар натижасида помидорнинг бўртма нематодасига чидамли Сурхан 142, Заковат навлари ва Нурафшон F_1 дурагайи яратилган ва Давлат реестрига киритилган;

тадқиқотлар натижасида бақлажоннинг эртапишар Сурхон гўзали нави ва Замин F_1 дурагайи яратилган ва Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2018 йил 30 май 53-4/133 сонли маълумотномаси);

яратилган нав ва дурагайлар мамлакатимизда 136 гектардан кўпроқ майдонда етиштирилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 май 02/029-85 маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ вакили раҳбарлигида СПЭ ва КИТИ томонидан тузилган комиссия томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва ижобий баҳоланганлиги, мавзу юзасидан илмий ҳисоботларни ҳар йили институт илмий кенгашида кўриб чиқилганлиги, турли хил селекцион-генетик услублардан фойдаланилганлиги ва бошланғич маълумотларга ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, шунингдек олинган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, тадқиқотлар натижасида помидорнинг бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли нав ва дурагайлари, бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлари яратилиб Давлат реестрига киритилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли нав ва дурагайлари ва бақлажоннинг эртапишар ва бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба ажратилганлиги ва ана шундай нав, дурагай ҳамда линиялар яратилганлиги, бақлажоннинг F_1 дурагайларида бўртма нематодасига чидамлиликнинг ирсийланишини аниқланганлиги, бўртма нематодасига чидамли помидор нав ва дурагайлариининг юқори комбинацион ва адаптив қобилиятига эга намуналари ажратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга, бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлари яратиш учун бошланғич манба ажратиб олинганлиги, бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли янги нав, дурагай ва линияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш асосида помидордан 13,1-21,1 т/га, бақлажондан 9,0 т/га қўшимча ҳосил олишга эришилганлиги, янги нав ва дурагайлари Давлат реестрига киритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Помидор ва бақлажоннинг транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли нав ва F₁ дурагайлар селекцияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

помидорнинг бўртма нематодасига чидамли яратилган «Сурхан 142», транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли «Заковат», бақлажоннинг эртапишар «Сурхон гўзали» навлари Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2018 йил 30 майдаги 53/4–313-сон ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 02/029–85-сон маълумотномалари). Натижада ушбу навлар Сурхондарё вилояти деҳқон ва фермер хўжаликларида жами 136 гектар майдонга жорий этилган;

эрта баҳорги муддатда помидорнинг «Сурхан 142» ва «Заковат» навлари Термиз туманидаги фермер хўжаликларида 25,5 гектар, Қумқўрғон туманидаги фермер хўжаликларида 13,0 гектар, Жарқўрғон ва Ангор туманидаги фермер хўжаликларида 15,0 гектар ва бақлажоннинг «Сурхон гўзали» нави жами 63,5 гектар (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 02/029–85-сон маълумотномаси). Натижада районлашган навлардан мувофиқ равишда гектаридан 3,5–4,8 ва 2,8–3,0 тонна юқори ҳосил олишга эришилган, рентабеллик даражаси помидорда 32,3%, бақлажонда 27,5 фоизни ташкил этган;

ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида помидорнинг «Сурхан 142» ва «Заковат» навлари 2016-2017 йилларда Термиз туманидаги фермер хўжаликларида 12,0 гектар, бақлажоннинг «Сурхон гўзали» нави 13,0 гектар, Қумқўрғон туманидаги фермер хўжаликларида мос ҳолда 10,0 ва 9,0 гектар, Жарқўрғон туманидаги фермер хўжаликларида 14,0 ва 14,5 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 02/029–85-сон маълумотномаси). Натижада районлашган навлардан мувофиқ равишда гектаридан 3,0–4,3 ва 2,0–2,5 тонна юқори ҳосил олишга эришилган, рентабеллик даражаси помидорда 29,3% ни, бақлажонда 24,5 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 14 та тезис чоп этилган, шулардан 10 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 1 та монография, 3 та тавсиянома ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун

тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва диссертация тадқиқотлари натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Бўртма нематодаси ва кладоспориознинг тарқалиши, келтирадиган зарари ва уларга чидамли помидор ва бақлажон нав ва дурагайлари селекцияси. Гетерозисга йўналтирилган селекцияда адаптив ва комбинацион қобилиятнинг роли»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзу доирасида олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий нашрлари шарҳланган. Жаҳон миқёсида сабзаёт экинлари, хусусан помидор ва бақлажон экинларига катта зарар келтирадиган бўртма нематодаси ва кладоспориоз касаллигининг турли минтақаларда тарқалиши, келтирадиган зарари, уларнинг тур ва расалари, уларга чидамли манбалар ажратиш ҳамда шу патогенларга чидамли нав ва дурагайлар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар мавзуси бўйича асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити тавсифланган. Ушбу бобда олиб борилган тадқиқотлар йўналиши, ўсимликларни бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамлилигини баҳолаш услублари, помидор нав ва линияларини адаптив ва комбинацион қобилиятини аниқлаш услублари, дала тажрибаларини олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш услублари баён қилинган.

Агротехник тадбирлар ҳудуд учун умум қабул қилинган “Возделывание томата, перца и баклажана в условиях Сурхандарьинской области” (М.Х.Арамов, Х.Т.Асамова) услуби асосида амалга оширилди.

Тажрибалар дала шароитида тадқиқот мақсадига кўра қайтариқсиз ва 4 қайтариқли қилиб қўйилди. Бўлмачалар ҳисоб майдони 6,3–21,0 м². Бўлмачадаги қаторлар сони 2–4 та, ўсимликлар сони нав намуналари ва биринчи авлод дурагайларини ўрганишда боғчасида 20 та, селекцион боғчада 30 та, танлов синовида 81 та, иккинчи авлод дурагайларини ўрганишда 200 та. Тажрибалар давомида фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, ҳосилдорликни ва мева сифатини аниқлаш, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини баҳолаш ишлари ўтказилди.


Диссертациянинг «**Помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодасига (*Meloidogyne ssp.*) чидамли нав ва биринчи авлод дурагайлари селекцияси**» деб номланган учинчи бобининг “Ўзбекистон жанубида учрайдиган бўртма нематодаси турларини ўрганиш” деб номланган бўлимида республикаимиз жанубида учрайдиган бўртма нематодаларининг турларини аниқлаш мақсадида Тожикистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология институти фитонематология лабораторияси ходимлари, биология фанлари номзодлари Л.М.Джураева, С.П.Погребнёвалар, кейинчалик Термиз Давлат университети доценти, фитонематолог А.Ш.Хуррамовлар билан ҳамкорликда Сурхондарё илмий-тажриба станцияси тажриба даласида паразитлик қилувчи бўртма нематодасининг турлари ва расалари таркибини ўрганиш ва инвазион юкклани аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилганлиги баён қилинган. Тадқиқотлар натижасида тажриба даласида бўртма нематодасининг 4 та тури: *Meloidogyne incognita*, *M. arenaria*, *M. javanica*, *M. acrita* мавжудлиги аниқланган. Ушбу бобнинг «**Помидорнинг бўртма нематодасига чидамли нав ва гетерозисли биринчи авлод дурагайлари селекцияси учун бошланғич материал танлаш**» деб номланган бўлимида АҚШ, Голландия, Франция, Молдова, Россия давлатларидан келтирилган *Lycopersicon esculentum* Mill. турига мансуб 163 та нав намуналарининг бўртма нематодасига чидамлилигини ўрганиш натижалари келтирилган. Шулардан бўртма нематодасига чидамли ва қимматли-хўжалик белгиларига эга бўлган 22 та нав намуналари ажратилган ва қимматли бошланғич манба сифатида тавсия этилган.

Булардан F₁ 253-1-90, F₂ 253-3-90, 4345/88(ТСХА), F₁Грейн ТmCFN, F₁ Гренада ТmCFN (ВНИИО), 773/80CN, 344/83ТmCF₁N, 44-75/77 CN, 442/82N (МНИСТИО), Hawaii 7792 TFN, Improved Summertime, F₂ PSP 25867 VFN, VFN-8(АҚШ), F₂ Romuls VFN (Голландия) каби нав намуналари янги бошланғич материал сифатида тавсия этилган ҳамда уларнинг морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгилари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли биринчи авлод дурагайларини яратиш**» деб номланган бўлимида 2001–2014 йилларда 60 та F₁ дурагайлари ота-она шакллари ва қиёсий навга таққослаб ўрганилганлиги баён этилган. Энг юқори умумий ҳосилдорлик F₁Намуна х ТМК-22, F₁Намуна х Узмаш, F₁Намуна х Аспирант, F₁Сурхан 142 х ТМК-22, F₁Сурхан 142 х Узмаш, F₁Узмаш х Сурхан 142

комбинацияларида кузатилган ва у 91,1 – 94,5 т/гани ташкил этган ҳамда қиёсий навга нисбатан 26,3–29,7 т/га юқори бўлган (1- расм).

Умумий ҳосилдорлик бўйича гетерозис самараси F₁Сурхан 142 х Узмаш, F₁Узмаш х Сурхан 142 ва F₁Сурхан 142 х ТМК-22 дурагайларида энг юқори бўлганлиги аниқланган ва у 40,6–47,2 фоизга етганлиги маълум бўлиб, булар гетерозисли дурагайлар эканлиги тасдиқланган. Товарбоп ҳосил асосан



1-расм. Помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли F₁ дурагайларининг умумий ҳосилдорлиги ва гетерозис самараси (2001–2014 й.й.)

меваси қаттиқ F₁ Намуна х Узмаш, F₁ Намуна х ТМК-22, F₁ Сурхан 142 х ТМК-22, F₁ Сурхан 142 х Узмаш, F₁ Сурхан 142 х Аспирант, F₁Узмаш х Аспирант дурагайларида юқорилиги кузатилган.

Амал даврининг охирида истиқболли дурагайларнинг 90–100% ўсимликлари бўртма нематодасига чидамли эканлигини кўрсатган. Тадқиқотлар натижасида яратилган F₁ Нурафшон (Намуна х Узмаш) дурагайи 2011 йилдан Давлат реестрига киритилган.

Диссертациянинг «Помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли навларини яратиш» деб номланган бўлимида 2003–2016 йилларда 1106 та юқори авлод линиялари бўртма нематодасига чидамлилик йўналишида ўрганилганлиги баён этилган.

2003–2016 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бўртма нематодасига чидамли, мевалари транспортбоп Л-28/05, Л-34/05, Л-36/05, Л-53/05, Л-54/05, Л-55/05, Л-56/05, Л-89/05, Л-90/05, МЖ-187, МЖ-182, МЖ-244, МЖ-40/10, МЖ-41/10, МЖ-42/10, Л-64/10, МЖ-71/10, МЖ-57/10, МЖ-50/10, МЖ-53/10, МЖ-57/11, МЖ-82/11, Л-46/14 линиялари яратилган. МЖ-137, МЖ-182 (Заковат), МЖ-244 (Маржона) янги нав сифатида 2009–2011 йилларда танлов синовидан ўтказилган. Энг истиқболли Заковат нави

2012–2014 йилларда Давлат нав синовидан ўтган ва 2015 йилдан Давлат реестрига киритилган. МЖ 82/11 ва МЖ-94/13 линиялари Осиё ва Офарин номи билан 2016 йилдан Давлат нав синовидан ўтмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон жанубида помидор кладоспориоз (*Cladosporium fulvum cooke*) касаллигининг тарқалиши, ривожланиши, унга чидамли нав ва дурагайлар селекцияси**» деб номланган тўртинчи бобининг «Ўзбекистон жанубидаги очик майдонларда помидорнинг кладоспориоз касаллигини ривожланиши ва тарқалиши» деб номланган бўлимида Ўзбекистон жануби иқлим шароитини помидорнинг кладоспориозга чидамли шакллари танлаш учун муҳит сифатида яроқлилигини аниқлаш мақсадида чидамлилиқ гени бўлмаган навларни қуйидаги учта муддатда экиб етиштирилганлиги ва баҳоланганлиги баён этилган:

биринчи муддатда уруғлар 4-13 январда иссиқхонага сепилган, кўчатлар 15–18 мартда плёнкали қопламалар остига кўчириб ўтказилган;

иккинчи муддатда уруғлар 21-25 февралда плёнкали қопламалар остига сепилган, кўчатлар 16–19 апрелда очик далага ўтказилган;

учинчи муддатда уруғлар 5 июнда очик далага сепилган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, касалликнинг ривожланиши ва тарқалиши учун энг қулай шароит иккинчи муддатда юзага келди.

Иккинчи экиш муддатида помидор ўсимликларида кладоспориоз жадал ривожланган. Фақат 1990 йилда бу муддатда гарчи касалликнинг тарқалиши 100 фоизга етган бўлсада нав ва линияларнинг зарарланиш даражаси нисбатан паст: 1,9–2,7 балл бўлди. 1991–1992 йилларда помидор ўсимликларининг зарарланиш даражаси 3,8–4,6 баллга етиб, касалликнинг ривожланиши 76–92% ва тарқалиши 100 фоизни ташкил этди. Помидор нав намуналарининг кладоспориозга чидамлилигини баҳолаш учун фон сифатида иккинчи экиш муддатидан фойдаланиш тавсия этилган.

Диссертациянинг «**Помидорнинг кладоспориозга чидамли нав ва тизмалари селекцияси учун бошланғич материал танлаш**» деб номланган бўлимида 163 та помидор нав намуналарининг кладоспориозга чидамлилиги ҳам ўрганилган. Ўрганилган нав намуналаридан 21 таси кладоспориозга чидамли эканлиги баён этилган.

Ўзбекистон жануби шароитида кладоспориозга чидамли нав ва дурагайлар селекцияси учун F₁: Менуэт CFN, Ироқ ТмCFN, Алена Тм CFN, Гренада Тм CFN, Грейн Тм CFN (ВНИИО), F₁ Сольвейг Тм CFVN, К-4347/І-88VFN, БСТ- ТСХА(ТСХА), 773/80, 344/83ТмCFN, 44-75/77СN (МНИСТИО) дурагай ва линиялари қимматли бошланғич манба ҳисобланади.

Кладоспориоз учун дифференциатор-навларда: V-121(Cf₃), F₁ -77-38(Cf₆), LMR –I (Cf₁), Vetomold (Cf₂), Vagobond (Cf₂·Cf₃), Ont7719(Cf₉), Venelend (Cf₂·Cf₃), Purdue(Cf₄), V-473(Cf₁·Cf₃) каби навларда ҳам касаллик белгилари кузатилмади.

Cf₀ генига эга бўлган дефференциатор–нав Potentateda зарарланиш даражаси 1 балл, касалликнинг тарқалиши 100 фоизни ташкил этди. Бу

Ўзбекистонда очик дала шароитида кладоспориознинг 0 расаси мавжудлиги хақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Диссертациянинг «**Помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли биринчи авлод F₁ дурагайлари яратиш**» деб номланган бўлимида Ўзбекистон шароитида кладоспориозга ва бўртма нематодасига чидамли бўлган Л-773/80CN, Л-344/83 Тм CFN линиялари билан маҳаллий истикболли навларни чапиштириш асосида биринчи авлод дурагайлари олинганлиги ва улар хўжалик-биологик жиҳатдан ўрганилганлиги баён этилган. 2001-2014 йилларда ўрғанилган бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли дурагайлاردан энг юқори умумий

1-жадвал

Помидорнинг транспортбоп F₁ дурагайларининг бўртма нематодаси ва кладоспориоз билан зарарланиши (2001–2014 йй.)

Нав ва тизмалар	Бўртма нематодаси			Кладоспориоз		
	Ўртача зарарланиш, даражаси, балл	C, %	R, %	Ўртача зарарланиш даражаси, балл	C, %	R, %
Сурхан 142, қиёсий нав	0	0	0	1,64	32,9	100
Аспирант	0,3	1,9	7,7	1,3	26,0	94,1
Л-773/80 CN	0	0	0	0	0	0
Л-344/83CFTmN	0	0	0	0	0	0
ТМК -22	4,0	100	100	4,0	100	100
Узмаш	4,0	100	100	4,0	100	100
F ₁ Л- 773/80 CN x ТМК-22	0,05	1,9	5,8	0	0	0
F ₁ Л- 773/80 CN x Узмаш	0	0	0	0	0	0
F ₁ Л- 773/80 CN x Аспирант	0	0	0	0	0	0
F ₁ Л-344/83CFTmN x ТМК-22	0,07	1,6	5,8	0	0	0
F ₁ Л-344/83CFTmN x Узмаш	0	0	0	0	0	0
F ₁ Л-344/83CFTmN x Аспирант	0	0	0	0	0	0
F ₁ ТМК-22 x Л-773/80 CN	0,06	1,5	5,8	0	0	0
F ₁ ТМК-22 x Л-344/83 CFTmN	0,07	1,7	5,8	0	0	0
F ₁ Узмаш x Л-773/80 CN	0	0	0	0	0	0
F ₁ Узмаш x Л-344/83 CFTmN	0,06	1,6	6,25	0	0	0

ҳосилдорлик F₁Л-344/83CFTmN x ТМК-22, F₁ТМК-22 x Л-344/83CFTmN комбинацияларида кузатилган ва у 102,6–105,4 т/га ни ташкил этган. Бу қиёсий навга нисбатан 37,8–40,6 т/га юқори демакдир.

Умумий ҳосилдорлик бўйича энг юқори гетерозис самараси: F₁Л-15 x Л-773/80CN, F₁Л-344/83CFTmN x ТМК-22, F₁ТМК-22 x Л-344/83CFTmN ва F₁Узмаш x Л-773/80CN дурагайларида намоён бўлган ва у 25,1–61,8 фоизни ташкил этган.

2001–2014 йилларда биринчи авлод F₁ дурагайлари бўртма нематодасига чидамлилигини баҳолаш жараёнида F₁ Л-773/80CN x Узмаш, F₁ Л-773/80CN x Аспирант, F₁ Л-344/83 CFTmN x Узмаш, F₁ Л-344/83 CFTmN x Аспирант ва F₁Узмаш x Л-773/80CN комбинацияларида 100% ўсимликлар чидамлилик кўрсатган (1-жадвал).

Қолган дурагайларнинг 93,3–94,1% ўсимликларида зарарланиш кузатилмаган. Буларда ўртача зарарланиш 0,05–0,07 балл, касалликнинг ривожланиши 1,5–1,9%, касалликнинг тарқалиши 5,8–6,25 фоизга етган.

Биринчи авлод дурагайларининг кладоспориоз билан зарарланиши баҳоланганда, уларнинг барчасида касаллик белгилари кузатилмаган ва чидамли ҳисобланган.

Бўртма нематодаси ва кладоспориозга гуруҳли чидамлилиқ бўйича ажратилган: F₁Л-773/80СN х ТМК, F₁Л-773/80СN х Узмаш, F₁Л-773/80СN х Аспирант, F₁Л-344/83СFTmN х ТМК 22, F₁Л-344/83СFTmN х Узмаш, F₁Л-344/83 СFTmN х Аспирант, F₁ТМК 22 х Л-773/80СN, F₁ТМК 22 х 344/83 СFTmN, F₁ Узмаш х 773/80СN, F₁Узмаш х Л-344/83 СFTmN дурагайлари келгусида ана шу патогенларга чидамли навлар селекциясида бошланғич материал бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Помидорнинг транспортбоп бўртма нематодаси ва кладоспориозга гуруҳли чидамли навларини яратиш**» деб номланган бўлимида помидорнинг 62 та юқори авлод линиялари транспортбоплиқ, бўртма нематодаси ва кладоспориозга гуруҳли чидамлилиқ йўналишида экиб ўрганилган. Натижада бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли, мевалари транспортбоп, серҳосил Л-88, Л-89, Л-90, Л-92, Л-93, Л-90-3-1, Л-90-3-4, Л-90-3-5, Л-91-5-3, Л-91-5-4, Л-91-9-1 линиялари яратилган ва ушбу линиялар билан селекция ишлари давом эттириляётгани келтирилган.

Диссертациянинг «**Бўртма нематодасига чидамли помидор нав ва дурагайларининг адаптив ва комбинацион қобилияти**»деб номланган бешинчи бобида бўртма нематодасига чидамлилиги юқори бўлган олти та нав ва линияларни диаллел схемада чатиштирилиб, адаптив ва комбинацион қобилияти ўрганилганлиги баён этилган.

Ушбу бобнинг «**Помидор нав ва дурагайларининг комбинацион қобилиятини баҳолаш**» деб номланган бўлимида бўртма нематодасига чидамли Намуна, Чидамли, Термез 182/88, Сурхан 142 (СПЭваКИТИ Сурхондарё илмий тажриба станциясида) ва 773/80СN, 344/83ТmCFN (МНИСТИО) нав ва линиялари диаллел чатиштирилган ва уларнинг умумий ва ўзига хос комбинацион қобилияти аниқлангани ёритилган.

Тадқиқотлар икки муддатда олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида:

1. *ҳосилдорлик бўйича* энг юқори умумий комбинацион қобилият (ОКС) самараси биринчи муддатда Намуна навида ҳам оналик, ҳам оталиқ сифатида қатнашганда ҳам қайд этилган. Иккинчи муддатда энг юқори ОКС самараси оналик сифатида иштирок этган Сурхон 142 навида қайд этилган.

Бу белги бўйича юқори ўзига хос комбинацион қобилият (СКС) вариансаси биринчи муддатда Сурхан 142, Намуна, 344/83СFTmN навларида, улар оталиқ ва оналик сифатида иштирок этганда ҳам кузатилган. Иккинчи муддатда Сурхан 142 навида тўғри ва тескари чатиштиришда ҳам, Намуна нави оталиқ форма сифатида иштирок этганда МКҚ нинг юқори вариансаси намоён бўлган.

2. *ўсимликдаги мевалар сони* белгиси бўйича 773/80СN линияси чатиштириш йўналиши ва экиш муддатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ОКС

самараси энг юқорилиги билан ажратилди. Бу белги бўйича юқори СКС вариансаси биринчи муддатда Намуна, 773/80CN, 344/83TmCFN, Сурхан 142 навларида улар оталик ва шунингдек оналик шакли сифатида иштирок этганда ҳам кузатилган.

3. *ўртача мева вазни* бўйича юқори ОКС биринчи ва иккинчи муддатда Сурхан 142 навининг тўғри ва тескари комбинацияларида кузатилди. Бу белги бўйича юқори СКС вариансаси билан яна Намуна ва Сурхан 142 навлари ажратилди.

4. миқдорий белгилар бўйича комбинацион қобилят даражаси экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бироқ, муддатлар бўйича умумий ва ўзига хос комбинацион қобилят самараси барқарор бўлган намуналар ҳам аниқланди.

Диссертациянинг «**Бўртма нематодасига чидамли помидор нав ва линияларининг адаптив қобилятини баҳолаш**» деб номланган бўлимида помидорнинг олти нав ва линияларини уч йил мобайнида турли экиш муддатларида ҳосилдорлик бўйича экологик барқарорлик параметрларини баҳолаш натижалари баён этилган.

Олинган натижаларга кўра, ҳосилдорлик бўйича юқори умумий адаптив қобилят (ОАС) Намуна нави ва Чидамли линиясида кузатилган. Ҳосилдорлиги ва умумий комбинацион қобилят (ОАС) бўйича ажратилган Намуна нави ва Чидамли линиялари ўзига хос адаптив қобиляти (САС) нинг юқори вариансасига эга бўлган (2-жадвал). Улар ҳосилдорлиги бўйича нисбий барқарорлиги паст, ($S_{gi}=38,0-38,5\%$) ва яхши муҳитга жуда

2- жадвал

Помидорнинг бўртма нематодасига чидамли нав ва линияларининг ҳосилдорлик бўйича адаптив қобиляти параметрлари, (т/га) (2010–2012 йй.)

Нав ва тизмалар номи	- Xi	ОАС _i	G ² САС _i	S _{gi}	bi	СЦГ _i
Намуна	62,90	4,40	574,5	38,08	1,22	27,03
Сурхан 142	56,50	-1,90	391,2	34,97	1,03	26,92
Чидамли	60,81	2,27	548,1	38,50	1,20	25,70
Термез 182/80	59,90	1,36	313,7	29,57	0,87	33,36
773/80 CN	60,03	1,48	240,1	25,81	0,81	36,81
344/83 TmCFN	51,03	-7,52	268,7	33,30	0,86	26,57

талабчанлиги ($b_i=1,2-1,22$) билан ажралиб турган. Ҳосилдорлик бўйича паст нисбий барқарорлик, ташқи муҳит шароитига юқори талабчанлик Намуна нави ва Чидамли линиясининг селекцион қийматини (СЦГ_i) пасайтирган.

Ўсимликларда мевалар сони белгиси бўйича Намуна нави ва Л-773/80CN линияси ажратилди, шу белги бўйича юқори умумий адаптив қобилят (ОАС) 773/80CN линиясида кузатилди. Ўзига хос адаптив қобилят вариансаси юқорилиги Чидамли, 773/80CN, Намуна навларида қайд этилган. 344/83TmCFN линияси энг яхши регрессия ($b_i=1,0$) коэффиценти кўрсаткичига эга, яъни ташқи муҳит омилларига талабчанлиги паст бўлган.

Генотипнинг селекцион қиймати бўйича энг яхши кўрсаткич 773/80CN линиясида бўлган, яъни ўсимликда мевалар сони белгиси бўйича нисбий барқарорлиги паст, умумий ва ўзига хос адаптив қобилияти эса юқори бўлган.

Меванинг вазни бўйича энг юқори умумий адаптив қобилиятга (ОАС) Сурхан 142 нави эга бўлган. Меванинг вазни белгиси бўйича энг юқори барқарорлик 773/80CN линиясида кузатилган. Меванинг вазни бўйича генотипнинг селекцион қиймати энг яхши намуналар 773/80CN ва Сурхан 142 навлари деб топилган.

Диссертациянинг «**Помидорнинг транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли нав ва биринчи авлод (F₁) дурагайлари**нинг танлов синови» деб номланган бўлимида Сурхондарё илмий-тажриба станциясида яратилган нав ва F₁ дурагайлари

нинг танлов синови ўтказилганлиги баён этилган. 2006–2008 йилларда помидорнинг янги транспортбоп, серҳосил, бўртма нематодасига чидамли F₁ Нурафшон, бўртма нематодаси ва кладоспориозга гуруҳли чидамли F₁ Сенат (F₁Л-44/03 х Л-Т/03), F₁ Магистр (F₁ Л-44/03 х Л-У/03) биринчи авлод дурагайлари ҳамда Суғдиёна (МЖ-53/05), Тарамата (МЖ-55/05), Бакалавр (МЖ-137/06), Заковат (МЖ-182/06), Маржона (МЖ-244/06) навлари танлов синовидан ўтказилган. Натижада умумий ҳосилдорлиги энг юқори F₁ Нурафшон дурагайи (101,9 т/га) ва Заковат навлари (63,8–71,8 т/га) Давлат нав синаш комиссиясига топширилган. 2011 йилдан F₁ Нурафшон дурагайи (гувоҳнома № 323), 2015 йилдан Заковат нави (гувоҳнома № 564) Давлат реестига киритилган.

2012–2014 йилларда истиқболли транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли янги Осиё (МЖ-82/11), Совға (МЖ-57/11) ва Офарин (МЖ-94/13) навлари

нинг танлов синови ўтказилди. Натижада мева шакли овалсимон, консерва саноатида қайта ишлаш ва бутунлигича фойдаланишга ҳамда узок масофаларга жўнатишга мўлжалланган Осиё (МЖ-82/11) ва мева шакли юмалоқ Офарин (МЖ-94/13) навлари 2016 йилдан бошлаб Давлат нав синовидан ўтмоқда.

Диссертациянинг «**Бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли нав ва гетерозисли биринчи авлод дурагайлари** селекцияси» деб номланган олтинчи бобининг «Эртапишар, бўртма нематодасига чидамли бақлажон нав ва биринчи авлод (F₁) гетерозис дурагайлари олиш учун манба яратиш» деб номланган бўлимида 1997–2003 йилларда тажриба станциясида *Solanium melongena* турига мансуб дунёнинг 16 та давлатидан келтирилган 53 та нав намуналарининг эртапишарлиги ва бўртма нематодасига чидамлилигини ўрганиш натижалари баён этилган.

Ўрганилган нав намуналаридан 30 таси эртапишарлик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича ажратилган ва бошланғич манба сифатида тавсия этилган. Жумладан:


– амал даври энг қисқа (96–100 кун) ва шунга мувофиқ равишда эртачи ҳосилдорлиги энг юқори (қиёсий навга нисбатан 82,7–438% юқори) бўлган: Викар, Местный скороспелый, Ichifuji, Батайский, Днестровец, Л-334-95, Л-516-92, Квартет, №2 Хитой, Чёрный дракон, Местный, Л-470-94, Л-516-92

намуналари эртапишарлиги бўйича бошланғич материал сифатида ажратилган;

– мевасининг ранги қора бинафша, усти силлиқ, ялтироқ бўлган навлар сифатида: Алмаз, Канадский, Zong Purple, Местный, Чумак, Универсальный, Грушевидный, Батайский ва Л-470-94 навлари ажратилган;

– тадқиқотлар натижасида бақлажоннинг бўртма нематодасига чидамли нав ва биринчи авлод дурагайларини яратишда бошланғич манба сифатида хизмат қиладиган Мк/03 линияси ажратиб олинган.

Ушбу бобнинг «Бақлажоннинг эртапишар, серҳосил, бўртма нематодасига чидамли F₁ гетерозис дурагайларини яратиш» деб номланган бўлимида 1998–2015 йилларда бақлажоннинг 39 та биринчи авлод F₁ дурагайлари ота-она шакллари ва қиёсий навга таққослаб ўрганилганлиги натижалари келтирилган.



2-расм. Бақлажон биринчи авлод (F₁) дурагайларининг умумий ҳосилдорлиги бўйича гетерозис самараси (1998–2005 йй.)

Энг юқори умумий ҳосилдорлик Солярис x Донецкий урожайный, Алмаз x Батайский, Алмаз x Матросик, Алмаз x Местный 3015, Матросик x Солярис ва Ichifuji x Алмаз комбинацияларида кузатилган ва у 100,4–113,7 т/га ни ташкил этган ва қиёсий навга нисбатан 47,2–60,5 т/га юқори бўлган.

Умумий ҳосилдорлик бўйича энг юқори гетерозис самараси F₁ Солярис x Донецкий урожайный, F₁ Алмаз x Батайский, F₁ Алмаз x Местный 3015 ва F₁ Ichifuji x Алмаз дурагайларида қайд этилган ва у 78,0–112,9 фоизни ташкил этган (2-расм). Қолган дурагайларда ҳам гетерозис самараси юқори бўлиб, у 31,2–67,2 фоизга етди ва булар ҳам гетерозисли дурагайлар ҳисобланади.

Тадқиқотларда Матросик нави иштирок этган комбинацияларда бўртма нематодасига чидамлилиқ юқори бўлганлиги кузатилган. Булардан Матросик

х Алмаз, Матросик х Солярис дурагайларида энг юқори чидамлик кузатилиб, ўртача зарарланиш 0,8–0,9 балл, касалликнинг ривожланиши 22,0–24,1 %, тарқалиши эса 58,9–66,7 % ни ташкил этди ва 75,9–78,0 % ўсимликлар бўртма нематодасига чидамли эканлигини кўрсатди. Бу дурагайлар амалий чидамли ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Бақлажон биринчи авлод F₁ дурагайларининг бўртма нематодаси билан зарарланиши (1998–2005 йй.)

